



**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун  
ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ**

**Навоий шаҳар -2022**

## **Танлов хужжатларининг мазмуни:**

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

### **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

#### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. Танлов предмети: Навоий шаҳар ХТБга карашли 10-мактаб иситиш тизимини жорий таъмирлаш.

1.2. Танловнинг юкори қиймати **249 882 871 (Икки юз қирқ тўққиз миллион саккиз юх саксон икки минг саккиз юз етмиш бир )** сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати: Ғолиб булган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

#### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

**2.1. Навоий шаҳар ХТБ га карашли мактаблар** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Навоий вилоят Навоий шаҳар ХТБга карашли мактаблар.

Эл.адрес: [navoiy\\_shxtb@xtv.uz](mailto:navoiy_shxtb@xtv.uz)

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов **Навоий шаҳар ХТБ** “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

#### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ.**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:  
танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар) ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;  
Иловада кўрсатилган молиявий кўрсаткичларни тақдим этиш; (“Махсулот етказиб берувчи тўғрисида маълумот.xls” файлидаги формалар кўринишида)  
Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган товар, (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:  
қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилингандар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов хужжатларида кўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан кўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варагини муҳраб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3. Кўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича кўйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

● Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тулдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш хукуқига эга.

#### **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5-календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталада жойлаштирилиши лозим.

#### **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниглаш ва асосланган карор қабул килиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хакиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тушишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР.

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор қабул килишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталған иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

**Техник қисм: Ушбу эълонинг “Техник топшириқлар” . doc файлida кўрсатилган.**



Навоий шаҳар ХТБ мудири в.в.б  
А.Сарбоев  
2022 йил

Навоий шаҳар Халқ таълим бўлими.

### ТЕХНИК ТОПШИРИК

<b>№</b>	<b>Асосий маълумотлар</b>	<b>Бажарувчи</b>
<b>1</b>	Объект номи	Навоий шаҳар ХТБга карашли 10 мактаб мактаб.
<b>2</b>	Буюртмачи	Навоий шаҳар ХТБ Марказлашган молия-бухгалтерия хизмати.
<b>3</b>	Буюртма учун асос	Навоий шаҳар Халқ таълими бўлими тасарруфидаги 10-иситиш тизимини жорий таъмирлаш
<b>4</b>	Объектнинг жойлашган ўрни	Навоий вилояти Навоий шаҳар А. Темур 4 а уй
<b>5</b>	Қатнашувчилар учун талаблар	Жорий таъмирлаш ишларини амалга оширувчи ташкилот иш тажрибасига эга бўлган ҳамда ишни сифатли бажариш имконият мавжуд бўлиши лозим. Иш бажарувчи смета ҳаражатларини ўз зиимасиг олади. Молиявий кўрсаткичлар таҳлили инобатга олинади. Бажарувчи томонидан назорат ўлчовидан ўтказиш ишлари ташкил қилинади.
<b>6</b>	Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари	Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувохнома. Ушбу фаолият билан шуғулланишга рухсат берувчи хужжат
<b>7</b>	Бажарилган ишлар хисоб-китоби	Белгиланган талаблар асосида энг яхши таклиф тақдим қилиниб шартнома ғазначилик бўлимидан ўтказилгандан сунг олдиндан 30 фоиз тўлаб берилади. Шартномада кўрсатилган ахизматлар тўлиқ амалга оширилгандан сунг қолган 70 фоиз маблағ кўчириб берилади. Бажарилган ишлар учун форма 2-3 ҳамда назорат ўлчови далолатномасига асосан тўлов амалга оширилади.
<b>8</b>	Ишни бажариш муддати	Шартнома кўрсатилган муддат бўйича
<b>9</b>	Техника хавфсизлиги буйича талаблар	Иш бажариш жараёнида техника хавфсизлик қоидаларига тулиқ риоя килиш шарт.
<b>10</b>	Молиялаштириш манбай	Навоий шаҳар ХТБ Марказлашган молия-бухгалтерия хизмати томонидан ҳаражатлар сметаси бўйича